

«Очиқ бюджет» лойиҳаси доирасида талабалар учун танлов эълон қилинди



1-қадам: «Очиқ бюджет» ахборот порталида рўйхатдан ўтинг ва ўз ташаббусингизни қолдиринг (*касбни ифодаловчи устунда талаба эканингизни кўрсатишни унутманг*).

2-қадам: Танлов бошланганидан сўнг, турли ижтимоий тармоқларда ташаббусингизни оммалаштириш ва фуқаролар, яқинларингиз, дўстларингиз ўртасида овоз тўплашингиз зарур.

3-қадам: Танлов якунида **Топ-50 лойиҳа** танлаб олинади. Энг кўп овоз ва лайк тўплаган иштирокчи ғолиб деб топилади.

Ғолибларга:

1-5-ўринга - ноутбук

6-15-ўринга - планшет

16-25-ўринга - электрон китоб қурилмаси (Kindle)

26-36-ўринга - «ақлли» соат

37-50-ўринга - қулоқчин топширилади.

Танловда ғолиб бўлган 50 нафар энг яхши иштирокчи «**Ташаббускор бюджет элчиси**» деб эълон қилинади ва Молия вазирлигида амалиёт ўташ имкониятини қўлга киритади. Улар учун молия тизимининг етакчи мутахассислари томонидан ўқув тренинглари ўтказилади.